

Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража

# Меҳмондўстлик

соҳаси бўйича

Малакалар

11-модул: Иш тажрибаси

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



## **Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун [qualifications.pearson.com](http://qualifications.pearson.com) сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз [qualifications.pearson.com/contactus](http://qualifications.pearson.com/contactus) саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

## **Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида [qualification.pearson.com](http://qualification.pearson.com) сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96317 3

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

# Мундарижа

<b>Кириш</b>	<b>1</b>
<b>11-модул: Иш тажрибаси</b>	<b>3</b>
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	7
Дарс режаси	13



# Кириш

Ушбу ресурс буклети Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс буклети сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ресурс буклети сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинadиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган Дарс режаси.
- Ушбу ресурс буклетидagi маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб etадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Сизга модул бўйича қўлланмани тақдим этамиз. Унда ўқув мақсадлари ва модулларнинг мазмунига қандай ёндашиш бўйича таклифлар ва қизиқарли ва ранг-баранг тадбирлар учун ғоялар мавжуд. Шунингдек, дарсларни режалаштириш ва яқунлаш бўйича маслаҳатлар ва фикрларни топасиз..

Ҳар бир модул учун синчковлик билан танланган манбалар рўйхати келтирилган. Ушбу манбалар рўйхатидан сиз ўқувчиларга фойдаланишингиз ва / ёки сиз ўқитиш учун қўшимча материаллар сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар рўйхати мавжуд.



# 11-модул: Иш тажрибаси

## Ўқув қўлланма

### Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади – ўқувчиларга ҳақиқий иш муҳитида ўз тажрибаларидан максимал даражада фойдаланишга ёрдам беришдир. Амалиёт ўқувчиларга кўникмаларни, билимларни ривожлантириш ва ҳақиқий иш жойида дастлабки шахсий тажрибани орттириш имкониятини беради. Модул ўқувчилардаги кўникмалар махсус машқлар натижасида ривожланади деб ҳисоблаган ҳолда, ишга муваффақиятли тайёргарлик кўришни кафолатлайдиган пойдевор билан таъминлайди.

Ўқувчиларга модулни амалга оширишга имкон берадиган шароитли жой берилиши шарт. Хона ўқувчилар ўқиш жойи билан боғлиқ бўлган секторда бўлиши лозим.

А ўқитиш мақсадини ўрганишни бошлашдан олдин, ўқувчилар ташкилотлар ва уларнинг ўрни ҳақида билиб олиши ва тажрибадан нимани ўрганишни хоҳлашини ўйлаб кўришлари шарт.

В ўқитиш мақсадини ўрганиш учун ўқувчилар келажакда иш берувчиларга ўз қобилиятлари ва салоҳиятларини намойиш этиш учун етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун маълумотларни тўплашда фойдаланиладиган усулларни ва ривожлантириш керак бўлган кўникмалар турларини тушуниши шарт.

С ўқитиш мақсадини ўрганиш учун ўқувчилар ўз иш тажрибалари тўғрисида қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Ўқувчилар ўз тажрибаларининг келажакдаги карьера танлашига таъсиридан хабардор бўлиши ва ўзларининг карьера мақсадлари билан боғлиқ ривожланиш йўналишларини аниқлаш учун тегишли фикр манбаларини танлаб олиши шарт.

## Модулнинг бошланиши

Модулнинг бошланиши – бу мазкур модулни ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

### 11-модул: Иш тажрибаси

#### Кириш

Ушбу модулда ўқувчиларга ҳақиқий иш жойида ишлаш кўникмаларини, билимларини ва дастлабки шахсий тажрибаларини ривожлантириш имконияти берилади. Улар ривожлантирадиган кўникмалар келажакда иш берувчилар учун ўз қобилиятлари ва салоҳиятларининг исботи бўлиб хизмат қилади.

Амалиётга тайёргарлик кўриш жуда муҳимдир. Ишни бошлашдан олдин, сиз ўқувчиларни ташкилотлар ҳақида ва уларнинг роли тўғрисида маълумотлар излашда қўллаб-қувватлашингиз, шунингдек, улар тажрибадан нима ўрганмоқчи бўлганларини ҳисобга олишингиз лозим. Улар иш тажрибасини тўплаш билан бирга, нима қилганликларини ҳисобини олиб борадилар. Амалиётдан сўнг, улар ўз тажрибалари ҳақида билиб олганлари ва яхшиланиши керак бўлган жиҳатлари тўғрисида фикр юритадилар.

#### А ўқитиш мақсади – Иш тажрибасига тайёр бўлиш

- Ушбу ўқув мақсадини ўқитишдан олдин, ўқувчилар амалиёт ўтайдиган ташкилотнинг алоқа маълумотларини тақдим этиш лозим. Ўқувчилар ташкилот билан боғланмасдан баҳолашни яқунлай олмайдилар.
- Ушбу ўқув мақсадини энг яхши тарзда ўзлаштиришга синф мунозараларини, тадқиқотлар ва турли хил меҳмонхона бизнес ташкилотларида ишлаган одамларнинг (бу ўқитувчи ёки бошқа одам бўлиши мумкин) тажрибасини қўшиб эришиш мумкин.
- Ўқувчилар ишни бошлашдан олдин, унга тайёргарлик кўриш ижобий тажрибага эга бўлиш эҳтимолини оширишини тушуниши муҳимдир. Ташкилот ҳақида олдиндан маълумотни билиб, улар нимани кутаётганларини билиб оладилар ва бу уларнинг ташкилотга ижобий ҳисса қўшиши эҳтимолини оширади. Шунингдек, улар қандай қилиб, ижобий таасурот қолдиришни тушуниши жуда муҳим, бу – уларга мазмунли ва конструктив ишларда қатнашиш мумкинлигини бериш имкониятини оширади.
- Ташкилотда қандай "иш маданияти" мавжудлигини олдиндан айтиш қийин, шунинг учун, улар ташкилотларнинг бу борада қандай фарқ қилиши мумкинлигини тушуниши керак, бу – улар ишлай бошлаганларида қутилмаган тарздаги хавфни камайтиради.

**11-модул: Иш тажрибаси**

- Шунингдек, улар иш тажрибасидан қандай фойда олишни хоҳлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши шарт. Эҳтимол, улар бу ҳақида ўйламаслиги мумкин, шунинг учун, фикрларини гуруҳларда бўлишиш учун вақт керак бўлиши мумкин, бу эса, уларга қарор қабул қилишга ёрдам беради.

**В ўқитиш мақсади – Иш тажрибасини хавфсиз ва тегишли тарзда олиш**

- В ўқитиш мақсади иш жойи ташкилоти доирасида руй беради, аммо, ўқувчилар ишга кириш қисқача йўриқномасида берилганлар юзасидан нимани кутишга олдиндан тайёрланган бўлиши шарт ва ўз тажрибалари ҳисобини ҳар куни ўз журналларида ёзиб бориш муҳимлигидан хабардор бўлиши лозим.

**С ўқитиш мақсади – Иш тажрибасини кўриб чиқиш**

- Ўқувчилар турли манбалардан олинган хулосаларни ишлата олиши лозим. Ўқувчилар шунини тушуниши керакки, самарали хулоса бир неча нуқтаи назарни талаб қилиши ва бу, фақатгина фаолиятнинг ютуқ ва камчиликларига асосланган бўлиши шарт эмас.
- Ўқувчилар келажакдаги режалаштирилган карьера билан боғлиқ ҳолда, меҳнат фаолиятининг муҳимлигидан хабардор бўлиши лозим.

## Ресурсларга талаблар

### Веб-сайтлар:

<https://www.studyinternational.com/news/work-experience/>

Шахсий иш тажрибасидан максимал даражада фойдаланиш бўйича оддий маслаҳатлар мавжуд бўлган блог.

<https://targetcareers.co.uk/careers-advice/skills-and-experience/313849-how-to-make-the-most-of-your-work-experience-placement>

Одамларга ўз иш тажрибасидан максимал даражада фойдаланишга ёрдам берадиган веб-сайт.

*Pearson ҳар қандай ташқи интернет сайтлар таркибига жавоб бермайди. Ўқитувчилар синфда фойдаланишдан олдин ҳар бир веб сайтни URL-манзил олдингидек аниқ, долзарб ва тегишли эканлигига ишонч ҳосил қилиши учун текширишлари муҳим. Биз ўқитувчиларга фойдали веб сайтларни белгилашларини ва ўқувчиларга мактаб, коллеж интернет орқали ушбу сайтларга киришга имкон тақдим қилишларини таклиф қиламиз.*

## Иш схемаси

<b>Модул</b>	11-модул: Иш тажрибаси
<b>Ўқув соатлари</b>	60
<b>Дарсларнинг сони</b>	5 (бу ўқувчиларнинг амалиётга сарфлаган вақтини ўз ичига олмайди).
<b>Дарслар давомийлиги</b>	2 соат
<b>Бошқа модулларга ҳаволалар</b>	Ушбу модул 10-модул: <i>Меҳмондўстлик соҳасида иш жойидаги қўникмалар.</i>

Ўқитиш учун калитлар			
<b>ЁМТ</b>	Ёзма мустақил топшириқ	<b>ММ</b>	Материални мустаҳкамлаш
<b>ТЭС</b>	Таклиф этилган спикер	<b>Т</b>	Ташриф
<b>МЎ</b>	Мустақил ўқитиш	<b>ИТ</b>	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш: турли ташкилотлар ва амалиётга тайёргарлик.	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш.</b> Модулнинг мақсадлари ва улар қандай баҳоланаётганлиги тўғрисида қисқача умумлаштиринг.</li> <li>• <b>Таклиф этилган спикер/ ўқитувчи:</b> Таклиф этилган маърузачи ёки ўқитувчи турли ташкилотларда ишлашни бошлашганда ўзларини қандай ҳис қилганлари, улар қанчалик фарқли бўлганлигини ва мослашиш қандай (қийин ёки осон) кечганлигини тасвирлаб беради.</li> <li>• <b>Гуруҳда бажариладиган машқлар:</b> Ўқувчилар турли ташкилотларда ишлаш нималигини, улар орасидаги фарқларда қандай ҳислар бўлишини ўрганадилар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> Ўқувчилар ўз хулосаларини тақдим этадилар ва қайси ташкилотда ишлашни хоҳлашини ва нима учун эканлигини муҳокама қиладилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Таклиф этилган спикер.</li> <li>• Интернетга уланган қурилмалар.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Ташкилот ҳақида билиб олиш.	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар ўзлари ишлаб тажриба орттирадиган ташкилотни тадқиқ қилишни бошлайдилар.</li> <li>• <b>Мустақил машқ, кейин гуруҳларда машқ:</b> Ўқувчилар ишга киришишдан олдин билиши керак бўлган бешта муҳим нарсани санаб ўтадилар. Кейин, улар энг муҳим беш нарсанинг янги умумий рўйхатини тузиш учун рўйхатни гуруҳнинг қолган аъзолари билан таққослайдилар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> Гуруҳ ғояларидан фойдаланиб, ўқувчилар ўрганиши керак бўлган барча нарсалар рўйхатини тузинг. Ўқувчилар эслай олмаган А1 модули таркибидан ҳар қандай параграф кўшинг.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар иш тажрибасига эга бўладиган ташкилот учун саволлар рўйхатини тузадилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қоғоз.</li> <li>• Флипчартлар ва маркерлар.</li> <li>• Ўқувчилар амалиёт ўтайдиган ташкилотларнинг алоқа маълумотлари.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	<p>Қандай қилиб энг яхши даражада иш тажрибасидан фойдаланиш мумкин?</p> <p>А ўқитиш мақсадларини баҳолаш.</p>	БМ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:</b> Олдинги дарсни такрорлаш.</li> <li>• <b>Мустақил баҳолаш машқи:</b> Ташкилотлардан олинган жавоблардан фойдаланиб, ўқувчилар 1-вазифанинг 1-машқини бажарадилар.</li> <li>• <b>Гуруҳда бажариладиган машқ:</b> Гуруҳлар икки кишининг кейсини кўриб чиқадилар (бири иш жойида жуда ижобий тажрибага эга, бошқаси унчалик ижобий бўлмаган тажрибага эга). Гуруҳлар нима учун уларнинг тажрибаси ҳар хил эканлигини аниқлайдилар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> Гуруҳ машқидан фойдаланиб, ўз иш тажрибаларидан унумли фойдаланиши учун бажарилиши керак бўлган нарсалар рўйхатини тузинг.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдироти:</b> Узатиш кўникмалари нима?</li> <li>• <b>Гуруҳда бажариладиган машқ:</b> Гуруҳлар қайси соҳада ўз кўникмаларининг муҳимлигини ва негалигини аниқлайдилар. Шунингдек, улар муҳим техник билим ва кўникмаларни белгилайдилар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Баҳолаш учун ишчи дафтари</li> <li>• Кейс-стади.</li> <li>• Узатиш кўникмалари юзасидан тақдимот.</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Иш тажрибасининг афзалликлари. А ва В ўқитиш мақсадларини баҳолаш.	БМ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ/жуфтликда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчилар ўтказиш кўникмалари билан боғлаган ҳолда, ўз кучли ва заиф томонларини, шунингдек, жуфтликда муҳокама қилинган ва қилинаётган техник билим ва кўникмаларни баҳолайдилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдироти:</b> А3 бўлимидаги модул таркибидаги рўйхатдан фойдаланиб, ўқувчилар иш тажрибасидан қандай фойда олиши мумкинлигини намоиш қилинг.</li> <li>• <b>Гуруҳда бажариладиган машқ:</b> Гуруҳлар турли хил эҳтимолий имтиёзларни баҳолайдилар ва кейин уларни синфда таққослайдилар.</li> <li>• <b>Мустақил баҳолаш машқлари:</b> Ўқувчилар 1-вазифанинг 2-машқини иш дафтарларида бажарадилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдироти.</b> Индукция нима ва янги ташкилотда ишлай бошлаган кишинияхши кириш йўриқномаси қандай тайёрлаши керак?</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> Иш тажрибасини кузатиб бориш муҳимлигини ва уларсиз 2-вазифага эриша олмасликни муҳокама қилинг.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Баҳолаш учун ишчи дафтари</li> </ul>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	Иш тажрибаси	БМ/ИТ	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўқувчилар амалиётга 50 соат сарфлайдилар. Шунингдек, улар ушбу вақтдан фойдаланиб, 2-вазифани баҳолаш учун ишчи дафтарида иккала машқни бажариш учун фойдаланадилар (бу, иш дафтارينинг А иловасида келтирилган журнал тўлдиришни ўз ичига олади).</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Баҳолаш учун ишчи дафтари</li> </ul>
5	Иш тажрибасини кўриб чиқиш С ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Гуруҳда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчилар ўз тажрибалари билан гуруҳларда бўлишадилар: иш тажрибасининг энг яхши ва энг ёмон пайтлари қандай бўлди?</li> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар баҳолаш учун ишчи дафтардаги 3-вазифани бажарадилар.</li> <li><b>Синфдаги муҳокама:</b> Улар нимани билиб олдилар? Иш тажрибаси уларнинг карьерасига қандай таъсир қилади? Келгуси йил шу курсни ўтадиган кишиларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Баҳолаш учун ишчи дафтари</li> </ul>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
<b>Модул</b>	11-модул: Иш тажрибаси
<b>Дарс рақами</b>	1
<b>Дарс мақсадлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Турли ташкилотлар ҳақида тушунча бериш.</li> <li>• Ўқувчиларни иш пайтида дуч келиши мумкин бўлган турли хил иш муҳитларига тайёрлаш.</li> </ul>
<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• (ихтиёрий) таклиф этилган спикер.</li> <li>• Интернетга уланган қурилмалар.</li> </ul>
Калитлар: <b>МР:</b> Машқлар рўйхати; <b>ФС:</b> Форма шаблони; <b>ТС:</b> Тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Модулнинг мақсадлари ва улар қандай баҳоланаётганлиги тўғрисида қисқача умумлаштиринг. Ушбу дарсда ўқувчиларга ташкилотларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг иш маданияти қанчалик фарқ қилиши мумкинлиги тўғрисида билиб олишини тушунтиринг.</li> </ul>
Асосий машқлар (100 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Таклиф этилган спикер/ ўқитувчи:</b> Таклиф этилган маърузачи ёки ўқитувчи турли ташкилотларда ишлашни бошлаганда ўзини қандай ҳис қилганлигини, улар қанчалик ҳар хил бўлганлигини ва мослашиш қанчалик қийин ёки осон кечганлигини тасвирлаб беради. Синфда саволлар учун вақт белгиланг. (40 дақиқа)</li> <li>• <b>Гуруҳда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчилар интернетда тадқиқотлар олиб борадилар: улар ходимлар (ёки собиқ ходимлар) томонидан ёзилган қайдларни излайдилар, улар орасидаги фарқларни аниқлаш учун ўз ташкилотларида иш қандай эканлигини тасвирлайдилар. (30 дақиқа)</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> Ўқувчилар хулосаларини синфга тақдим этадилар ва қайси ташкилотда ишлашни хоҳлашини ва сабабини муҳокама қиладилар. Ўқувчилар иш тажрибасига эга бўлганида, улар ташкилот учун "мос" ёки йўқлигига қарамасдан, ташкилотга мослашиш учун йўл топиши кераклигини ўқитувчи таъкидлаши лозим. (30 дақиқа)</li> </ul>
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Дарснинг асосий қисмлари тўғрисида қисқача маълумот.</li> </ul>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
<b>Модул</b>	11-модул: Иш тажрибаси
<b>Дарс рақами</b>	2

<b>Дарс мақсади</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқувчиларни амалиётга тайёрлаш.</li> <li>• Улар иш тажрибасини оладиган ташкилот ҳақида кўпроқ маълумот олиш.</li> </ul>
---------------------	---

<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қоғоз.</li> <li>• Флипчартлар и маркерлар.</li> <li>• Ўқувчилар амалиёт ўтайдиган ташкилотларнинг алоқа маълумотлари.</li> </ul>
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** Машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** Тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Бошланғич машқ (10 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Олдинги дарсни такрорлаш. Ўқувчиларга улар ёки таклиф қилинган спикер тайёргарликнинг муҳимлиги ва янги ташкилотда ишлаш бошланишида мослашиш зарурати ҳақида гапирганини эслатиб ўтинг. Бу амалиётда ҳам, доимий ишда ҳам муҳимлигини таъкидланг.</li> </ul>
<p>Асосий машқлар (80 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар имкон қадар кўпроқ ўрганиб, ўз ташкилотининг: <ul style="list-style-type: none"> <li>○ тақдим этилган хизматлар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар;</li> <li>○ меҳмондўстлик соҳасидаги катта меҳмонхона, тармоқ, уй-меҳмонхона каби тақдим этиладиган хизматлар;</li> <li>○ ташкилот тарихи;</li> <li>○ ташкилот ҳажми;</li> <li>○ компания таркиби.</li> </ul> <p>ҳақида тадқиқотлар ўтказишни бошлайдилар.</p> <p>Маълумотлар гуруҳга тақдим этилиши шарт.</p> <p>(40 дақиқа)</p> </li> <li>• <b>Гуруҳларда мустақил машқ:</b> Ўқувчилар ишга киришдан олдин билиши керак бўлган бешта муҳим нарсаларнинг рўйхатини тузадилар. Кейин, улар энг муҳим беш нарсанинг янги умумий рўйхатини тузиш учун рўйхатни гуруҳнинг қолган қисми билан таққослайдилар</li> </ul> <p>(20 дақиқа)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> Гуруҳ ғояларидан фойдаланиб, ўқувчилар ўрганиши керак бўлган барча нарсалар рўйхатини тузинг. А1 модули таркибига ўқувчилар эсламаган ҳар қандай параграфни қўшинг.</li> </ul> <p>(20 дақиқа)</p>

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Якуний машқлар (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар амалиёт ўтаётган ташкилот учун саволлар рўйхатини тузадилар. Ўқитувчи ташкилотнинг алоқа маълумотларини тақдим этиши керак. Ўқувчилар ўз саволларини ташкилотга юборадилар ва кейинги дарсдан олдин (электрон почта ёки телефон орқали) жавоб беришларини сўрайдилар.</li> </ul>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
<b>Модул</b>	11-модул: Иш тажрибаси
<b>Дарс рақами</b>	3
<b>Дарс мақсадлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўз иш тажрибасидан қандай самарали фойдаланиш кераклигини тушуниш.</li> <li>• Узатиш кўникмаларни тушуниш.</li> </ul>
<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Баҳолаш учун ишчи дафтари</li> <li>• Кейс-стади.</li> </ul>
Калитлар: <b>МР:</b> Машқлар рўйхати; <b>ФС:</b> Форма шаблони; <b>ТС:</b> Тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Олдинги дарсни такрорлаш.</li> </ul>
Асосий машқлар (70 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил баҳолаш машқи:</b> Ўқувчилар амалиёт ўташни режалаштирган ташкилотлардан олинган жавоблардан фойдаланиб, ишчи дафтарларида 1-вазифанинг 1-машқини бажарадилар.  (20 дақиқа)</li> <li>• <b>Гуруҳда бажариладиган машқ:</b> Гуруҳлар икки кишининг ишини ўрганмоқдалар: А шахс ишга жойлашишда жуда ижобий тажрибага эга, Б шахс эса, унчалик ижобий бўлмаган тажрибага эга. Бундай ҳолатларда А1, А2 ўқув мақсадларининг мазмунига оид мисоллар мавжуд. Гуруҳлар нима учун уларнинг тажрибалари ҳар хил бўлганлигини аниқлаши керак.  (30 дақиқа)</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> Гуруҳлар ўз натижаларини баҳам кўришади. Иш тажрибасидан энг яхши фойдаланиш учун бажарилиши керак бўлган нарсалар рўйхатини тузиш учун ўзларининг фикрларидан фойдаланинг (А2 таркибидаги талабалар эсламаган ҳар қандай таркибни қўшинг). Ҳар бир нарсани муҳокама қилинг: нега ҳар бири муҳим?  (20 дақиқа)</li> </ul>
Якуний машқ (40 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдироти:</b> Узатиш кўникмалари нима?</li> <li>• <b>Гуруҳда бажариладиган машқлар:</b> Гуруҳлар ўз кўникмаларини қайси соҳада муҳимлигини ва нима учунлигини аниқлайдилар. Шунингдек, улар муҳим аҳамиятга эга бўлган техник билим ва кўникмаларни аниқлайдилар. Бу гуруҳлар фикрларини таққослаш жараёнида синф муҳокамасига айланади.</li> </ul>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
<b>Модул</b>	11-модул: Иш тажрибаси
<b>Дарс рақами</b>	4
<b>Дарс мақсадлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқувчиларни ишга жойлашишга тайёрлаш.</li> </ul>
<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўтказиш кўникмалари тақдимоти.</li> <li>• Интернетга уланган қурилмалар.</li> <li>• Баҳолаш учун ишчи дафтари.</li> </ul>
Калитлар: <b>МР:</b> Машқлар рўйхати; <b>ФС:</b> Форма шаблони; <b>ТС:</b> Тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил машқ/жуфтликда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчилар узатиш кўникмаларига нисбатан кучли ва заиф томонларини, шунингдек, илгари муҳокама қилинган ва қилинаётган техник билим ва кўникмаларни баҳолайдилар.</li> </ul>
Асосий машқлар (70 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> АЗ рўйхатидан фойдаланиб, бошқа усуллар ёрдамида ўқувчилар амалиётдан қандай фойда олиши мумкинлигини тақдим этинг. (10 дақиқа)</li> <li>• <b>Гуруҳлардаги машқ:</b> Гуруҳлар турли хил эҳтимолий фойдаларни баҳолайдилар ва кейин уларни синфда таққослайдилар. (20 дақиқа)</li> <li>• <b>Мустақил баҳолаш машқи:</b> Ўқувчилар 1-вазифанинг 2-машқини ўз дафтарларида бажарадилар. (20 дақиқа)</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти:</b> Индукция нима ва янги ташкилотда ишлай бошлаган кишини яхши кириш йўриқномаси қандай тайёрлаиши керак. (10 дақиқа)</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> Иш тажрибасини ҳисоботини кузатиб бориш муҳимлигини муҳокама қилинг ва қандай қилиб ўқувчилар бу кузатувсиз 2-мақсадга эриша олмаслигини муҳокама қилинг. (10 дақиқа)</li> </ul>
Якуний машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқувчиларнинг ўз ишларига бўлган умидларини умумлаштиринг. Ўқувчилар иш тажрибаси ҳақидаги "энг муҳим 3 муаммони" қайд этадилар ва уларни синф билан бўлишадилар. Бошқа ўқувчиларни бир-бирини руҳлантириш учун ушбу саволларга жавоб беришни таклиф қилинг.</li> </ul>

## Дарс режаси

<b>Малака</b>	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
<b>Модул</b>	11-модул: Иш тажрибаси
<b>Дарс рақами</b>	5

<b>Дарсг мақсадлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўқувчиларга ўз амалиётларини таҳлил қилиш имкониятини бериш.</li> </ul>
-------------------------	--

<b>Ресурслар рўйхати</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Баҳолаш учун ишчи дафтари.</li> </ul>
Калитлар: <b>МР:</b> Машқлар рўйхати; <b>ФШ:</b> Форма шаблони; <b>ТС:</b> Тақдимот слайди	

<b>Машқлар</b>	<b>Ўқитувчининг қайдлари</b>
Бошланғич машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Гуруҳда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчилар ўз тажрибаларини гуруҳларда бўлишадилар: иш вақтидаги энг яхши ва ёмон даврлари қайси эди?</li> </ul>
Асосий машқлар (60 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар 3-вазифани дафтарларида бажарадилар.</li> </ul>
Якуний машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Синфда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчилар олган билимлари ва бу уларнинг карьерасига қандай таъсир қилиши тўғрисида тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Бундан ташқари, келгуси йил ушбу курсни ўтайдиган бошқа кишиларга қандай маслаҳат бериши мумкин?</li> </ul>

For information about Pearson Qualifications, including Pearson Edexcel, BTEC and LCCI qualifications visit [qualifications.pearson.com](http://qualifications.pearson.com)

Edexcel and BTEC are registered trademarks of Pearson Education Limited

Pearson Education Limited. Registered in England and Wales No. 872828  
Registered Office: 80 Strand, London WC2R 0RL.

VAT Reg No GB 278 537121



ISBN 978-1-4469-6317-3  
9 781446 963173 >